2007 ЙИЛ, 12 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 29 (10.838) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси кўмагида уюштирилган навбатдаги инсонпарварлик ёрдами алюминий заводи салбий таъсир кўрсатаётган Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун ва Денов туманларига жўнатилди. Мазкур Саломатлик поездидаги 50 миллион сўмлик кийим-кечак, болалар пойабзали ҳамда санитария-гигиена жиҳозлари ёрдамга муҳтожлар, ногиронлар ва ижтимоий ҳимоя соҳа объектларига тарқатилади.

● Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида ЮНИСЕФ — Халқаро болалар жамғармаси ташаббуси билан Ижтимоий ҳимоя йилида Оролбўйи минтақасида амалга ошириладиган ишлар кўламига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

● Намангандаги «Паҳлавон» спорт мажмуаси кортларида Ўзбекистон ва ҳиндистонлик теннисчилар ўртасида теннис бўйича норасмий жаҳон чемпионати — «Дэвис кубоги —2007» мусобақаларининг биринчи босқичи бўлиб ўтди.

● Тўрақўрғон туманидаги Шаҳанд касб-ҳунар коллежида ташкил этилган меҳнат ярмаркаси 317 кишини муқим иш билан таъминлаш имконини берди. Туман прокуратураси ташаббуси асосида меҳнат бўлими ҳамда «Камолот» ЁИҲ ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда 54 корхона, ташкилот, муассаса ва фермер хўжаликлари 1399 та бўш иш ўринлари билан иштирок этишди.

● Самарқанд Агро-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида «Ёшларимиз XXI аср вабоси — гиёвандлик ва ОИТСга қарши» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

● Қоракўл туманидаги Янгибозор қишлоғида янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Мажмуада 9 та спорт секциялари мавжуд бўлиб, уларда 12 нафар мураббий ёшларга спорт сирларини ўргатмоқда. Бу ерда шунингдек, қўшни Олот туманидаги болалар ҳам спорт билан шуғулланмоқдалар.

● Урганч Ахборот ва компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежида «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими ҳамда «Камолот» ЁИҲ вилоят ва шаҳар Кенгашлари ҳамкорлигида ташкил қилинган «Ҳуқуқ, тарғибот ва ёшлар» мавзуидаги учрашувга узоқ йиллар ҳуқуқ-тартибот соҳасида самарали меҳнат қилган кишилар таклиф этилди.

● Наманган шаҳрида аёллар спортини ривожлантириш борасида яна бир эзгу иш амалга оширилди. «Чаманзор» даҳасида «Зафар» соғломлаштириш клуби фаолият кўрсата бошлади. Бу ерда шахмат, шашка, хореография, тренажёр хоналари мавжуд. Яқин кунларда клубда аэробика, акробатика, замонавий рақс, фитнес, фольклор йўналишларини ўз ичига олган гимнастрада спорт турини ривожлантириш ҳам кўзда тутилмоқда.

ЖАҲОНДА

● Саудия Арабистонининг Макка шаҳрида Фаластиннинг ФАТҲ ва ХАМАС гуруҳлари ўртасида миллий бирлик асосида янги тузилажак ҳукумат таркиби юзасидан ўзаро келишиб олинди. Унга кўра амалдаги Бош вазир Исмоил Хания ҳукумат раҳбари этиб қайта тайинланди.

● Германиянинг Мюнхен шаҳрида хавфсизликни таъминлаш масалаларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда 40 та мамлакатдан 250 нафар юқори мартабали шахслар қатнашди. Анжуманда Вашингтоннинг Яқин Шарқнинг қайноқ нуқталаридаги сиёсати ва Эроннинг ядро дастури хусусида танқидий фикрлар билдирилди.

● Кеча Туркманистонда ўтган 15 йил ичида илк бор муқобил Президент сайловлари бўлиб ўтди. Унда олти нафар номзод мамлакат раҳбарлигига даъвогарлик қилди. Сайлов тўғрисидаги қонунга кўра сайловчиларнинг 50 фоиздан ортиқ овозини олган номзод президентликка сайланган ҳисобланади. Янги Президентнинг инаугурация маросими эса 14 февралга белгиланди.

● Кеча Португалияда абортларга қонуний тус бериш юзасидан референдум ўтказилди. Айтиш керакки, Португалиядаги мавжуд Католик черкови масаланинг бундай ечимига қатъиян қаршилик билдирмоқда.

● АҚШ маъмурияти мудофаа воситалари экспортини тақиқловчи «қора рўйхат» кучга кирганлигини эълон қилди. Беларуссия, Куба, Эрон, Шимолий Корея, Сурия, Венесуэла ва Вьетнам мазкур рўйхатга киритилди. Энди бу давлатларга Америкада ишлаб чиқарилган қурол-яроғлар, мудофаа характеридаги воситалар экспорт қилинмайди.

● Италиянинг Венеция шаҳрида машҳур ниқоблар карнавали бошланди. 12 кун давом этадиган ушбу тадбирдан баҳраманд бўлиш ниятида шаҳарга 1 миллионга яқин сайёҳларнинг келиши кутилмоқда.

● Москвада снуоборд бўйича 20 та мамлакат вакиллари иштирокида жаҳон кубогининг босқичи баҳслари бўлиб ўтмоқда.

● Вьетнамнинг Ханьхая провинцияси марказида йўл ҳалокати содир бўлди. Шимолдан жануб томон кетаётган тезюрар поезд автобус билан тўқнашиб кетди. Натижада автобус йўловчиларидан 12 киши воқеа жойида ҳалок бўлди. Қолган 15 киши маҳаллий касалхонага ётқизилган.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида уюштирилган навоийхонлик кечасида қатнашчилар эътиборига саҳна кўринишлари намойиш этилди, шоир ғазаллари ёд олинди, хонандалар томонидан қўшиқлар ижро этилди.

● **ИЖТИМОИЙ** ҳимоя йили муносабати билан 5 февралдан 15 февралгача давом этаётган хайрия 10 кунлиги доирасида БУГУН Бектемир туман ҳокимлигида ўтказилган хайрия марафони Қизил Ярим Ой жамиятининг туман бўлими томонидан уюштирилди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодиёт университетида иқтисодчилар иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуман иқтисодиёт ресурсларидан фойдаланишнинг самарали усулларига бағишланди.

● **АЛИШЕР** Навоий номидаги Санъат саройида «Ўзбекфильм» киностудияси ижодкорлари томонидан суратга олинган «Ҳаёт ҳали олдинда» фильмининг тақдимоти бўлиб ўтди.

● **ИЖТИМОИЙ** ҳимоя йили муносабати билан талаффузида нуқсони бор болаларга сабоқ берувчи дефектолог мутахассислар тайёрлаш учун Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида янги факультет ташкил этилиши режалаштирилди.

● **«ЁШЛИК»** талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида Тошкент Тиббиёт академияси шифокорлари, шаҳар репродуктив Саломатлик маркази ходимлари, Собир Раҳимов туман ФҲДЁ бўлими вакиллари, талабалар иштирокида «Қизлар турмуш остонасида» мавзуида тадбир ўтказилди.

● **АБДУЛЛА** Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида ўқитувчилар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирокида уюштирилган тадбир «Баркамол авлодни тарбиялашда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ УЧУН МАМЛАКАТИМИЗДА ОЧИЛГАН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР САМАРАСИ БУГУНГИ КУНДА УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ЮКСАЛИШИДАГИ УЛУШЛАРИДА ЁРҚИН АКС ЭТМОҚДА. БУ УЛУШ ЭСА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДАГИ ИЗЛАНИШ, ҚЎШИМЧА ИШЧИ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ, ТОВАРЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОРҚАЛИ ОРТИБ БОРМОҚДА.

Иқтисодиёт

ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

Албатта, ўз ғоясини амалга ошириш йўлида бозорни чуқур ўрганган тадбиркор асло рақобатдан чўчимайди. Негаки рақобат — юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда муҳим гаровдир. Пойтахтимиздаги «Эътиқод» хусусий фирмаси тадбиркорлари ўзларининг 10 йилдан зиёд фаолиятлари давомида анчагина муваффақиятларни қўлга киритишди. Эндиликда корхона цехларида тайёрланган мебеллар кўриниши ва мустаҳкамлиги боис хорижнинг ана шундай товарларидан асло қолишмайди, улар билан бемалол рақобатлаша олади.

— Инсон бир мақсадга эришиш учун астойдил ҳаракат қилса, қийинчиликлардан чўчимаса, албатта яхши натижасини кўрар экан, — дейди хусусий корхона раҳбари Абдуғани Қосимов. — Илк фаолиятимизни ўзимизнинг оддий ускуналаримиз ёрдамида бир неча турдаги стул ва болалар каравоти ишлаб чиқаришдан бошлаган эдик. Ишчиларимиз сони ҳам атиги 7 нафарни ташкил этарди. Кўрик-танлов ва ярмаркалардаги иштирокимиз, халқаро кўргазмаларда хорижий ҳамкорлар билан тажриба алмашиш яхши самара берди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосида тажрибали мебелсозларимиз кўпайди, юксак унумли хорижий линиялар сотиб олдик. Ўз кўргазма залимиз ҳамда мебеллар салонимизга, замонавий тарзда бунёд этилган офисимизга эга бўлдик. Эндиликда буюртмачиларимиз ва харидорлар учун барча қулайликларни яратганмиз. Уларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондира оламиз.





Чиндан ҳам ҳозирда корхонанинг қиёфаси ўзгариб кетди. Цехларга ўрнатилган замонавий дастгоҳ ва ускуналар мебелсозларнинг ҳар қандай мураккаб жараёнларни бир зумда уддалашларида яқин мददкор бўлиб, сифатли мебель ишлаб чиқаришда тадбиркорларга қўл келмоқда.

Ўтган йилда корхонада тайёрланаётган маҳсулот турлари 60 хилдан ортиб кетди. Улар орасида турли ҳажм ва кўринишдаги стол ва стуллар, юмшоқ мебель термалари, ўриндиқлар, телефон қўйгич ва илгичлар бор. Мебель ишлаб чиқаришда эса энг чидамли ва қимматбаҳо ёғоч хом ашёларидан фойдаланилмоқда.

Яна шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, корхона мебелсозлари сафи ёш усталар билан тўлдирилмоқда. Ўтган йилда ишлаб чиқаришни кенгайтириш натижасида қўшимча ишчи ўринлари яратилди, ишчи-хизматчиларнинг сони 96 нафарни ташкил этди. Албатта, уларга зарур меҳнат шароитлари яратишга, изланишларини қўллаб-қувватлашга, ижтимоий ҳимоялашга эътибор қаратилган. Бу эса шубҳасиз тайёрланаётган маҳсулотлар сифати, иш самарадорлигида аксини топган.

Биринчи навбатда маҳсулот сифатига эътибор қаратилар экан, бу борада ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланишга эришилади. Хориж техника ва технологиялари мукаммал ўзлаштирилаётгани ҳам муваффақиятларга гаров саналади. Жумладан, ўтган йилда корхонага Италия давлатидан ёғочни қуритиш ускунаси келтирилди. Бу мебеллар рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Ички бозорда ўз ўрнини топган «Эътиқод»чилар эндиликда хориж бозорини ҳам кўзлашмоқда. Бунинг учун қўшни давлатлардан тушаётган буюртмалар ўрганилмоқда, музокаралар олиб борилмоқда. Зеро, экспортни ривожлантириш ҳам корхонанинг кейинги истиқболида катта аҳамиятга эга. Тадбиркорлар ана шуни дилдан ҳис этган ҳолда изланишмоқдаки, маҳсулотнинг харидоргир турларини яратишдан чарчашмаяпти. Зеро излаган ҳамиша имкон топади. Бу имкон эса унга истиқбол эшигини катта очади.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: тадбиркор Абдуғани Қосимов маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда; мебелсоз Зуҳриддин Муҳиддинов сифатга эътибор қаратади; янги турдаги стул маҳсулотлари

ЎЗБЕКИСТОН ФРАНЦИЯЛИК САЙЁҲЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ПАРИЖДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА "ЎЗБЕКИСТОН – МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЮРАГИ" МАВЗУИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ. ФРАНЦИЯНИНГ "ПРОМЕНАД ДЕ ЛА КОНЕССАНС" УЮШМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН АНЖУМАНДА УШБУ МАМЛАКАТНИНГ ЕТАКЧИ ФИРМА ВА КОМПАНИЯЛАРИ ВАКИЛЛАРИ, ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР, ШУНИНГДЕК, ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИГА ҚИЗИҚАДИГАН ФРАНЦИЯЛИК ИХЛОСМАНДЛАР ҚАТНАШДИ.

Тадбирда сўзга чиққан "Променад де ла конессанс" уюшмаси президенти Мишель Бриго Франция билан Ўзбекистон ўртасидаги илиқ, дўстона муносабатлар икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Семинар доирасида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Иштирокчилар "Ўзбекистон ҳаво йўллари" фаолияти, парвозлар йўналишлари, йўловчиларга кўрсатилаётган хизматлар, компания янгиликлари ва яқин келажакка мўлжалланган режалар билан атрофлича танишдилар.

Юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган ҳужжатли фильмлар намойиши анжуман қатнашчиларига мамлакатимизнинг гўзал манзаралари ва кўҳна шаҳарларимиздаги қадимий ёдгорликлар билан танишиш имконини берди.

"Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан бўлган суҳбат чоғида "Променад де ла конессанс" президенти Мишель Бриго ўзи раҳбарлик қилаётган уюшма нотижорат ташкилоти бўлиб, унинг мақсади дунё халқлари маданияти, анъаналари ва тарихини ўрганиш ҳамда уларни тарғиб этишдан иборат эканлигини маълум қилди. "Шу мақсадда биз кўргазмалар ва дунёнинг турли мамлакатларига саёҳатлар уюштирамиз. Бугунги семинарда Ўзбекистон, унинг маданияти, урф-одатлари ва қадимги ёдгорликлари тўғрисидаги жуда қизиқарли ва муҳим маълумотларни олганимиз бизда юртингиз бўйлаб саёҳат қилишга қизиқиш уйғотди", - деди у.

"Санофи авентис" фармацевтика компанияси вакили Колет Папион ҳам элчихонадаги учрашув мазмунли ва қизиқарли ўтганини таъкидлади.

— Афсуски, айрим францияликлар ҳозирча Ўзбекистон ҳақида тўла маълумотга эга эмас. Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳларингизнинг манзараларини телевизор экранида кўрган одам ҳам уларнинг гўзаллиги ва улуғворлигига тан беради. Семинар чоғида мен Ўзбекистон бўйлаб саёҳат уюштиришга қарор қилдим.

Ғайрат ШУКУРОВ,
"Жаҳон" АА мухбири.
Париж.

РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИДА ЎЗБЕКИСТОН РУС МАДАНИЯТ МАРКАЗИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. «ЯНГРА, ГАРМОН!» ДЕБ НОМЛАНГАН УШБУ МУСИҚИЙ ТАДБИР РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ ДОИРАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Ўзбекистон – умумий уйимиз

ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

Тадбирда Рус маданият маркази раҳбари Светлана Герасимова турли миллат ва элат вакиллари аҳилликда истиқомат қилаётган мамлакатимизда миллатлараро тотувлик, дўстлик ва бағрикенглик тамойиллари давлатимиз раҳбари Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан эканини алоҳида таъкидлади.

Айни пайтда Ўзбекистонда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшамоқда. Юртимиздаги барқарор, тинч ва осуда ҳаётни ватандошларимиз олий қадрият, деб биладилар. Мамлакатимизда ҳар бир миллат ва элатнинг ўзига хослиги, тили, урф-одати ҳамда анъаналарини сақлашда муҳим роль ўйнайдиган миллий маданият марказларининг фаолиятини янада ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратилган. Ўз навбатида, бир юз қирқдан зиёд ана шундай марказ ўзаро ишонч, ҳамжиҳатлик, дўстлик, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Бунда Рус маданият марказининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Фестивалда санъат усталари, ижрочи ёшлар ҳамда Рус маданият марказининг бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирокидаги мусиқий дастур намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон ва жаҳон

Долзарб мавзуда шарҳ

«ТОШКЕНТ — ТАРИХ ДУРДОНАСИ ВА КЕЛАЖАКНИНГ ЗИЁСИ»

ИСЛОМ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТАШКИЛОТИ (ОИК) ТАРКИБИДАГИ МУАССАСАЛАРДАН БИРИ — ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ИСЛОМ ТАШКИЛОТИ (ISESCO) ТОШКЕНТНИ 2007 ЙИЛДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИНИНГ ПОЙТАХТИ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛГАНИ ҲАМОН ДУНЁНИНГ КЎПЛАБ МАМЛАКАТЛАРИДА ЎЗ АКС-САДОСИНИ БЕРМОҚДА.

Яқинда Миср Араб Республикасида нашр этиладиган «Ал-Масаия» газетасида «Тошкент — умумжаҳон ислом маданияти пойтахти» сарлавҳали мақола босилиб чиқди. Муаалиф Муҳаммад Салома Ўзбекистон ҳукуматининг исломий осори-атиқаларни асраш, ўзбек халқи тарихий-маънавий қадриятларини қайта тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳамда азим шаҳарнинг бутунжаҳон цивилизациясида ўзига хос ўрин тутгани боис Тошкент шундай шарафли номга эришганини таъкидлайди.

Мақолада Ўзбекистон мустақиллик йилларида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида маданият, маънавият ва динга муносабат масалаларида ҳам катта ютуқларни қўлга киритгани газета ўқувчилари эътиборига ҳавола этилади.

Нашр ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 2500 дан зиёд исломий осори-атиқалар, 80 мингта тарихий қўлёзмалар мавжудлиги, уларда исломдан олдинги даврдан бошлаб то шу кунларгача бўлган маданият ўз аксини топганини қайд этар экан, 1997 йили Президент Ислом Каримов Фармонига биноан буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий мақбараси қайта тиклангани ҳамда мамлакатда бу буюк муҳаддис ва Имом ат-Термизий қаламига мансуб асарлар нашр этилганига алоҳида урғу беради.

«Ал-Масаия»нинг яна бир сонида эълон қилинган «Мир Араб — олим ва диний арбоблар ўчоғи» сарлавҳали мақолада эса Ўзбекистонда Мир Араб мадрасасининг 530 йиллиги кенг миқёсда нишонланиши масаласига эътибор қаратилади. 1530-йилларда Бухорода фаолият бошлаган ва довруғи бутун оламга ёйилган бу мадрасага ўша кезлари қурраи заминнинг турли бурчакларидан илм толиблари кела бошлагани, мадрасага Нақшбандия тариқати мухлиси, асли аманлик Мир Араб исми билан машҳур бўлган Саййид Абдуллоҳ ал-Яманий ал-Ҳадрамаутийнинг номи берилгани зикр этилади.

Мазкур мақолада, жумладан, Ўзбекистонда 1991 йили мустақиллик қўлга киритилганидан сўнг Конституцияга мувофиқ, эътиқод кишиларига барча шароитлар яратилгани, қатор тарихий ислом обидалари таъмирлангани, кўплаб масжид ва мадрасалар очилгани ҳам қаламга олинган. Унда мустақиллик йиллари давомида кўплаб алломалар, хусусан, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбандий, имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Абу Мансур ал-Мотурудий, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад ал-Фарғоний, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Амир Темур, Алишер Навоий ва бошқа бобокалонларимиз юбилейлари кенг нишонлангани алоҳида таъкидланиши баробарида ҳукуматнинг бевосита ёрдами билан ҳар йили тахминан 4 минг нафар мусулмон муборак ҳаж сафарига бораётгани, йилига юз минглаб нусхаларда диний китоблар чоп этилаётгани қайд этилади. Мақолада «Ҳидоя» журнали, «Ислом нури» газетаси изчил нашр этилиши, радио ва телевидение орқали диний мавзулардаги эшиттириш ва кўрсатувлар намойиш қилинаётгани сингари мавзулар ҳам эътибордан четда қолмаган.

«Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилингани муносабати билан Покистон Ислом Республикаси Сенатининг халқаро алоқалар қўмитаси ва ўз номимдан Ўзбекистон раҳбарияти ва халқини қизғин табриклайман, деб ёзади Покистон Сенати халқаро алоқалар қўмитасининг раиси Мушоҳид Ҳусайн Саййид. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти — ISESCOнинг бу қарори мамлакат етакчиси раҳбарлиги остида Тошкент минтақа маданиятини намойиш этаётганининг эътирофидир. Ўзбекистон пойтахтининг бутун минтақамизни намоён этиши бутун Осиёга нисбатан юксак ҳурматдир.

Яқинда делегациямиз Ўзбекистонда бўлди. Ташрифимиз самарали кечди. Кўрсатилган самимий ҳурмат ва меҳмондўстликдан жуда мамнунмиз. Бу Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги яқин қардошлик алоқаларининг яна бир ифодаси ҳисоблаймиз, Абу Мансур ал-Мотурудий, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад ал-Фарғоний, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Амир Темур, Алишер Навоий ва бошқа бобокалонларимиз юбилейлари кенг нишонлангани алоҳида таъкидланиши баробарида ҳукуматнинг бевосита ёрдами билан ҳар йили тахминан 4 минг нафар мусулмон муборак ҳаж сафарига бораётгани, йилига юз минглаб нусхаларда диний китоблар чоп этилаётгани қайд этилади. Мақолада «Ҳидоя» журнали, «Ислом нури» газетаси изчил нашр этилиши, радио ва телевидение орқали диний мавзулардаги эшиттириш ва кўрсатувлар намойиш қилинаётгани сингари мавзулар ҳам эътибордан четда қолмаган.

«Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилингани муносабати билан Покистон Ислом Республикаси Сенатининг халқаро алоқалар қўмитаси ва ўз номимдан Ўзбекистон раҳбарияти ва халқини қизғин табриклайман, деб ёзади Покистон Сенати халқаро алоқалар қўмитасининг раиси Мушоҳид Ҳусайн Саййид. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти — ISESCOнинг бу қарори мамлакат етакчиси раҳбарлиги остида Тошкент минтақа маданиятини намойиш этаётганининг эътирофидир. Ўзбекистон пойтахтининг бутун минтақамизни намоён этиши бутун Осиёга нисбатан юксак ҳурматдир.

Яқинда делегациямиз Ўзбекистонда бўлди. Ташрифимиз самарали кечди. Кўрсатилган самимий ҳурмат ва меҳмондўстликдан жуда мамнунмиз. Бу Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги яқин қардошлик алоқаларининг яна бир ифодаси ҳисоблаймиз, — дейди Абдулазиз ат-Туркий. — 2007 йилда Ўзбекистондаги илмий-маданий муассасалар томонидан азим Тошкент шаҳрининг ислом тарихи, маданияти ҳамда фиқҳ, ҳадис ва тафсир илми ривожида тутган ўрнига оид қатор тадбир ва дастурлар амалга оширилишига ишончим комил. Улар эса ислом дунёси нигоҳини ҳақли равишда яна Тошкентга қаратадиган муҳим воқеалар бўлади.

— Тошкент бу шарафли номга Ўзбекистоннинг ислом маданияти ва илм-фани олдидаги улкан хизматлари, шунингдек, қадимий обидаларни асраб-авайлаш ва ислом меросини янада бойитиш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси учун сазовор бўлди, — деб ёзади Ҳиндистонда инглиз тилида нашр этиладиган «News From India» кундалик газетаси. — Дарҳақиқат, мустақил Ўзбекистон пойтахти мадраса ва масжидларининг маҳобатли бинолари, қадимий қўлёзмаларнинг ниҳоятда бой тўпламларига эга бўлган кутубхоналари ҳамда ислом уйғониш даврининг буюк алломa ва арбоблари томонидан яратилган асарлар сақланадиган музейлари билан бутун дунёдан келадиган меҳмонларни лол қолдиради.

«Айни пайтда Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, Кўкалдош мадрасаси ҳамда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан очилган Тошкент Ислом университети мамлакат пойтахтида фаолият кўрсатмоқда. Бу таълим муассасалари исломшунослар, диний илмлар тадқиқотчилари ҳамда ислом қонунчилиги соҳасидаги мутахассисларни тайёрлайди, манбаашунослик, халқаро иқтисодиёт ва ахборот технологиялари йўналишлари бўйича билим беради. Тошкент Ислом университети бу соҳада МДҲ ҳудудидаги ягона таълим муассасасидир. Университет кўп марта турли халқаро учрашувлар, конференция, давра суҳбатларига мезбонлик қилиб, уларда дин, сиёсат, бағрикенглик, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги энг долзарб масалалар муҳокама этилган. Осиёдаги кўплаб шаҳарлар орасида айнан Тошкент Ислом маданиятининг 2007 йилдаги пойтахти, деб эълон қилишда ISESCO Ўзбекистон раҳбариятининг ўзбек халқи маданий ва маънавий қадриятларини тиклаш, ислом цивилизациясининг кўҳна ёдгорликларини асраш борасида амалга оширган ишларини ҳамда Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири — Тошкентнинг дунё цивилизациясида муҳим ўрни борлигини тазарда тутган», деб ёзади «News From India».

«Шарқ дарвозаси — Тошкент асрлар давомида Ислом цивилизациясининг пойтахти бўлиб келган, деб ёзади Саудия Арабистони подшоҳлиги Ислом ва вақф ишлари вазирининг маслаҳатчиси, МДҲ масалалари бўйича эксперт Можид бин Абдулазиз ат-Туркий. У ҳатто собиқ шўроларнинг зулматли тузуми даврида ҳам ўз илм-фани билан ташқи оламга зиё таратган. Ислом цивилизацияси шуъласи ва араб тилини ўрганиш марказларидан бири бўлган Тошкент маънавият ўчоғи ҳамдир.

ISESCO қарори билан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинишининг боиси ушбу азим шаҳарнинг ўтмишдаги ва ҳозирги кундаги аҳамияти ва унинг ижтимоий-маданий тараққиётдаги ютуқлари билан изоҳланади. Бу қарор ислом оламининг Тошкент шаҳрига бўлган юксак эҳтироми ва эътирофидир.

Тошкент ислом маданиятининг ўчоғи сифатида тарихий аҳамиятга молик бўлиши билан бирга ўрта асрларда Европа мамлакатлари ва Хитойни боғловчи Буюк Ипак йўлида жойлашган муҳим савдо марказларидан ҳисобланади. Ҳозирги кунда ҳам у бетакрор тарихий ёдгорликлари ва исломий обидалари билан дунёнинг турли бурчакларидан келадиган минг-минглаб сайёҳларни ўзига жалб этувчи бетакрор шаҳардир».

— Тошкент — тарих дурдонаси ва келажакнинг зиёсидир, — дейди Абдулазиз ат-Туркий. — 2007 йилда Ўзбекистондаги илмий-маданий муассасалар томонидан азим Тошкент шаҳрининг ислом тарихи, маданияти ҳамда фиқҳ, ҳадис ва тафсир илми ривожида тутган ўрнига оид қатор тадбир ва дастурлар амалга оширилишига ишончим комил. Улар эса ислом дунёси нигоҳини ҳақли равишда яна Тошкентга қаратадиган муҳим воқеалар бўлади.

— Тошкент бу шарафли номга Ўзбекистоннинг ислом маданияти ва илм-фани олдидаги улкан хизматлари, шунингдек, қадимий обидаларни асраб-авайлаш ва ислом меросини янада бойитиш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси учун сазовор бўлди, — деб ёзади Ҳиндистонда инглиз тилида нашр этиладиган «News From India» кундалик газетаси. — Дарҳақиқат, мустақил Ўзбекистон пойтахти мадраса ва масжидларининг маҳобатли бинолари, қадимий қўлёзмаларнинг ниҳоятда бой тўпламларига эга бўлган кутубхоналари ҳамда ислом уйғониш даврининг буюк алломa ва арбоблари томонидан яратилган асарлар сақланадиган музейлари билан бутун дунёдан келадиган меҳмонларни лол қолдиради.

«Айни пайтда Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, Кўкалдош мадрасаси ҳамда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан очилган Тошкент Ислом университети мамлакат пойтахтида фаолият кўрсатмоқда. Бу таълим муассасалари исломшунослар, диний илмлар тадқиқотчилари ҳамда ислом қонунчилиги соҳасидаги мутахассисларни тайёрлайди, манбаашунослик, халқаро иқтисодиёт ва ахборот технологиялари йўналишлари бўйича билим беради. Тошкент Ислом университети бу соҳада МДҲ ҳудудидаги ягона таълим муассасасидир. Университет кўп марта турли халқаро учрашувлар, конференция, давра суҳбатларига мезбонлик қилиб, уларда дин, сиёсат, бағрикенглик, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги энг долзарб масалалар муҳокама этилган. Осиёдаги кўплаб шаҳарлар орасида айнан Тошкент Ислом маданиятининг 2007 йилдаги пойтахти, деб эълон қилишда ISESCO Ўзбекистон раҳбариятининг ўзбек халқи маданий ва маънавий қадриятларини тиклаш, ислом цивилизациясининг кўҳна ёдгорликларини асраш борасида амалга оширган ишларини ҳамда Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири — Тошкентнинг дунё цивилизациясида муҳим ўрни борлигини тазарда тутган», деб ёзади «News From India».

ЎЗБЕКИСТОН САЛОҲИЯТИ ТОКИОДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ЯПОНИЯ ЎРТАСИДА ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛГАНИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ДОИРАСИДА «КУНЧИҚАР МАМЛАКАТ» ПАРЛАМЕНТИДА ЮРТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН СИЕСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР МАВЗУСИГА БАҒИШЛАНГАН ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистоннинг Токиодаги элчихонаси ҳамда мамлакатдаги Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш институти билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этган ушбу тадбирда Японияниг сиёсий ва дипломатия доиралари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тақдимот чоғида Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ва демократик ислоҳотлар жараёнига, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан Олий Мажлисга қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг аҳамияти ва долзарблигига асосий эътибор қаратилди.

Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари, иқтисодий ва тузилмавий ислоҳотлар жараёнлари ҳам тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинди. Макроиқтисодий ривожланиш кирралари ва барча соҳалардаги ўсиш суръатларини жадаллаштириш борасидаги ижобий ўзгаришлар қайд этилди.

Япония бош вазирининг махсус маслаҳатчиси, мамлакатнинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Кёко Накаяма хоним ўз чиқишида «Ўзбекистон Япония учун самимий ва дўстона ҳамкорлик қилиб келаётган давлатлардан бири» эканини алоҳида таъкидлади. У икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолатини юксак баҳолар экан, кенг қамровли ўзаро ҳамкорлик узлуксиз ва мунтазам ҳукуматлараро мулоқотлар доирасида ривожланаётгани, бунда Осиё учун хос бўлган бирдамлик, маданият, анъана ва менталитетлар муштараклиги муҳим восита эканлигини қайд этди.

К.Накаяма хоним Ўзбекистондаги дипломатик фаолияти даврида кўрсатилган беқиёс ёрдам ва кўмак учун Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ва ўзбек халқига ўзининг самимий миннатдорлигини билдириб, «Япония ва Марказий Осиё ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланишида Ўзбекистон саъй-ҳаракатларининг ўрни алоҳидадир, ўзим бунга бевосита гувоҳ бўлганман», деди.

Осиё Тараққиёт банкининг собиқ президенти, «Nomura» илмий-тадқиқот институтининг катта маслаҳатчиси Тадао Чина Ўзбекистонга киритилаётган япон сармоялари ҳажмини кўпайтириш зарурлигини қайд этди. У Ўзбекистонда сармоявий муҳит янада яхшиланиши ҳамда мамлакатнинг устувор лойиҳаларига япон сармоялари жалб этилишида Япония ҳукумати ва Осиё тараққиёт банки ҳар томонлама кўмаклашишига умид билдирди.

Япония Ташқи ишлар вазирлигининг Европа масалалари бўйича бош директори ўринбосари Такеши Яги Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлар экан, Япония «Марказий Осиё+Япония» мулоқоти доирасида минтақа давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантираётгани ва Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги минтақаларо ҳамкорликни чуқурлаштириш жараёнларида етакчиликни ўз зиммасига олишга қодир бўлган муҳим мамлакат сифатида қараётганини қайд этди.

Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш институти ижрочи директори Тецуджи Танака сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида И.А.Каримов томонидан амалга оширилаётган сиёсий партияларнинг, шунингдек, нодавлат ва ноҳукумат ташкилотларнинг фаолиятини янада эркинлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётгани ҳамда жамият демократлашаётганидан далолат беришини таъкидлади.

МОСКВАДА ТУРКИСТОН ЖИЛОЛАРИ

РОССИЯ ДАВЛАТ ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ САНЪАТИ МУЗЕЙИДА «КЎҲНА СУРАТЛАР ВА СОПОЛ ИДИШЛАРДА ТУРКИСТОН ЖИЛОЛАРИ» ФОТОКЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.

У мазкур музей томонидан тарихчи-олим Шаҳобиддин Маржоний номидаги Россия илмий ва маданий дастурларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси кўмагида ташкил этилди.

— Ҳаммаси музейимиздан ўрин олган IX-XVI асрга оид сирланган сопол идишлар тўпламини намойиш этиш ғоясидан бошланди, — деди музейнинг Кавказ ва Ўрта Осиё бўлими мудири Екатерина Ермакова. — Сўнгра коллекциямизни этнографик материаллар билан тўлдиришга қарор қилдик. Кейинги босқичда эса экспозицияга Россия фанлар академияси ҳузуридаги Санкт-Петербург Моддий маданият тарихи институтининг илмий архивидаги суратлар киритилди. Бундан кўзланган мақсад кўргазма меҳмонларига минтақада сопол ишлаб чиқариш анъаналари қандай шароитда юзага келгани ва асраб-авайлангани тўғрисида имкон қадар тўлиқроқ маълумот бериш эди. Кейин эса кўргазмамиз мазмун-моҳияти минтақа халқларининг ранг-баранг ва бетакрор матоларисиз тўлиқ бўлмайди, деган хулосага келдик. Пировардида, ушбу газламалар экспозициянинг ажралмас бир қисмига айланиб, унинг кўркига кўрк қўшиб турибди.

Ўзбекистон мавзуси тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан ташкилотчи ва меҳмонларнинг диққат марказида бўлди. Боиси — кўргазмага қўйилган буюмлар аксариятининг келиб чиқиши Ўзбекистондан.

— Москва Давлат университетининг биринчи курсида ўқиб юрган кезларим тарих факультетидан журналистика факультетига ўтишни режалаштириб қўйгандим эдим, — дейди Россия Федерацияси Федерал Йиғини Федерал Кенгаши аъзоси, ушбу мамлакат собиқ маданият вазири Наталья Дементьева. — Лекин Сурхондарёга уюштирилган илк археологик экспедиция режаларимни ўзгартириб юборди. Мен археология фанига меҳр қўйиб, Ўзбекистонни том маънода севиб қолдим. Юртингиз кўплаб маданиятлар туташган қадимги серкуёш заминдир. Бу ўлкага бир бора келган ва ўзбек халқининг меҳмондўстлигидан баҳраманд бўлиш бахтига муяссар бўлган инсоннинг қалбида муҳаббат туйғуси уйғонмасдан қолмайди.

— Мовароуннаҳрда IX асрда юзага келган сирланган сопол идишлар яратиш санъати X асрга келиб мисли кўрилмаган нафислик ва етуклик даражасига етди. Буни мен Ўзбекистон ҳудудидаги кўплаб археологик изланишларда иштирок этган инсон сифатида таъкидлаяпман, — деди Шарқ халқлари санъати Давлат музейи бош директори, тарих фанлари доктори Александр Седов.

Музейнинг илмий ишлар бўйича бош директори ўринбосари, санъатшунослик фанлари доктори, Тошкент Давлат университети битирувчиси Тигран Мкртичев ўзбек халқининг сопол идишлар яратиш санъатини тавсифлаб, жумладан бундай деди:

— Ўрта Осиё асрлар давомида бошқа мамлакатларда кўплаб йиллар муқаддам йўқотилган кулолчилик ва сопол идишлар яратиш санъатининг ўчоқлардан бўлиб келмоқда. Усталарнинг деворларга осиб қўйилган асарларига бир назар ташлаган ва улар Самарқанд гумбазларию мовий осмоннинг парчаларига жуда-жуда ўхшаб кетишига ўзингиз амин бўласиз!

Ҳа, олимнинг бу фикрига қўшилмасдан илож йўқ.

«Жаҳон» ахборот агентлиги материаллари асосида тайёрланди

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● Японияда моторини қуёш ҳаракатга келтирадиган дастлабки автомобиль йўл ҳаракатининг тенг ҳуқуқли иштирокчиси сифатида рўйхатга олинди. Таниқли «Тойота» автомобиль концерни мутахассислари томонидан ишлаб чиқарилган ғалати машина эгасига Нагоя шаҳри йўл ҳаракати хизмати вакиллари рўйхатга олинганлик ҳақида рақам бердилар. «Қуёшмобиль»нинг электр мотори қуёш нурини электр энергиясига айлантириш ҳисобига ҳаракатга келтирилади. Машина томига ўрнатилган қуёш батареяси аккумуляторларга қувват беради, бу энергия автомобилдан ҳаво булут пайтида ёки тунда фойдаланилганда сарфланади.

● «Телевизор олдида ўтириш сизнинг соғлиғингизга зарар келтириши мумкин» — Калифорния университетида меҳнат қилаётган педиатр Куртгольд ҳар бир америкалик ўз телевизорига шундай огоҳлантириш ёзилган қоғозни елимлаб қўйиши керак, деб таклиф қилди. Икки ёшдан йигирма ёшгача бўлган 1066 мижозни текширган Куртгольд ҳар куни телевизор экрани олдида 2 ва ундан кўпроқ соат бўлган болалар ва ўсмирларда қондаги холестерин моддаси телевизор кам кўрган тенгдошларига нисбатан икки баравар кўп бўлишини аниқлади. Бу эса организмда модда алмашинувининг бузилишига олиб келади.

● Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида 29 ёшли актёр Шринивас узлуксиз тақлид қилиш юзасидан жаҳон рекордини ўрнатди. У Гиннеснинг рекордлари китобига кириш борасидаги ўз орзусини амалга ошириш учун қарийб 500 кишилик ташаббускор томошабин иштирокида 32 соат давомида таниқли сиёсат арбоблари ва кино юлдузларини «масхаралади», турли қуш ва ҳайвонларнинг овозини ўхшатди.

● Швейцариядаги эгизакнинг бири Рожер, иккинчиси Вимар бўлиб, уларнинг дунёда энг ўхшаш эгизаклар бўлишидан гоҳида онаси ҳам адашиб кетади. Физик олимлар икки эгизак доимо бир-бири билан телепатик — ички хабар бериб алоқа қилиб (узоқдан) туришларини илмий асосда кузатув олиб бориб аниқлашган. Қизиғи шундаки, математика, геометрия, физика, кимё фанларидан ечган мураккаб масала, мисолларни узоқ масофадан Рожер кўринмас хабарлар орқали Вимарга етказа олган. Оғир ҳолатда қолганда эгизаклар махфий тарзда бир-бирларига ёрдам бера олишган. Бошқа-бошқа шаҳарда истиқомат қилаётган Вимар қандай касал бўлса, Рожер ҳам шундай касални бошдан кечирган. Чунончи, Рожер кўричак билан оғриса, ўша онда Вимарнинг ҳам кўричаги қўзғаб, иккаласи бир дақиқада операция қилиниб, бир вақтнинг ўзида тузалишган.

● Америкалик геолог олим Дональд Бердннинг фикрига қараганда, келажакда Ой бутун космонавтикани кислород билан таъминлаб турадиган манба бўлиб қолади. Қуёш тизимига учувчи космонавтлар, ракета ва аппаратлар Ер йўлдошидаги тўлдириш станциялари хизматидан фойдаланадилар. Олим ўз фикрларини Ойдаги минералларнинг улкан қисми кислород бириккмаларидан ташкил топганлиги ва келажакда улар қайта ишланганда ажралувчи кислороднинг катта миқдорини келтириб чиқаради дея исботлайди. Унинг билдиришича, анортит, оливин, анортозит, бальзит кабилар нафақат кислороднинг, балки темир, никель, кобальт, алюминий, магний, кремний ва титанларнинг ҳам хом ашёси бўлади. Минераллардан кислород билан металларни ажратиш учун зарур энергияни Қуёшдан олиш кўзда тутилади.

● Оилавий ҳаёт сўқмоқларида адашадиганлар, қоқиладиганлар, ҳатто изини йўқотадиганлар ҳам учраб туради. Австрияда ғалати бир уюшма ташкил қилинган бўлиб, уни «Алданган эрхотинлар клуби» деб аташади. Мазкур клубга аъзо бўлганларнинг барчасида биргина ният бор. У ҳам бўлса, ташлаб кетган эрими ёки хотиними куни келиб қайтади ва оилани бутлайди, деб кутишади. Доғда юрган клуб аъзолари ўзларининг яхши ниятларини мавжуд бўлган статистика маълумотларига асосланиб рўкач қиладилар. Маълумотларга қараганда ташлаб кетилган хотинларнинг ҳар юзтадан 41 таси вақти келиб «адашиб» қолган эрларини севинч билан бағриларига оладилар.

● Тўғрисини айтганда, аксарият эркаклар ўз хотинларидан яширинча спиртли ичимликларни истеъмол қилиб, гўё ҳеч нима бўлмагандек юришни ёқтирадилар. Ғарбий Берлинда шундай бир «тунги клуб» ташкил қилинганки, у зимдан иш кўрувчи эркакларнинг жонига оро киради. Клубда телефон олдига магнитофон қўйилган бўлиб, унда турли ҳолатлардан далолат берувчи овозлар ёзилган. Жумладан, шатиллаб ёзаётган ёзув машинкаси, у ёқдан бу ёққа сурилаётган курсилар, ҳамда ишга алоқадор овозларни берувчи ленталар бор. Дўстлари билан «базми жамшид» қураётган кишилар уйларига қўнғироқ қилиб, ишхонада фавқулодда зарур иш чиқиб қолганлигидан дарак бериб қўйишлари мумкин.

● Испаниянинг Валенсия вилоятидаги Эльда шаҳрида яшовчи Альмендралелар оилага хонада боқиш учун кучукча олиб келишди. Унга Зорро лақаби берилди. Зорро икки йил боқилгач, хонадонга ва унинг эгаларига жуда ўрганиб қолди. Пойлоқчилик вазифасини бажараётган юввош Зоррони баъзи кунлари кўчага олиб чиқиб, сайр қилдириб ҳам келишар эди. Бир куни шундай сайил пайтида Зорро ва унинг эгасига тўсатдан йўлтўсар безорилар ҳужум қилиб қолишди. Зоррога буйруқ берилмаса-да, бу безориларга ташланиб, бирини қувлаб ҳайдайди, иккинчисини ерга булғаб кийим-бошларини бурда-бурда қила бошлайди. Безорининг додлаб ёрдамга чақирган овозига дарҳол полициячи етиб келди. Уни кўрган заҳоти Зорро тинчланиб, рақибини қўйиб юборди. Кейинчалик маълум бўлишича, Зорро оддий кучук эмас, балки ўрмонларда учрайдиган йиртқич ҳайвон гепард боласи экан.

Ҳамкорлик қирралари

ИСТИҚБОЛГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ЛОЙИҲАЛАР

ЯПОНИЯ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРАЁТГАН, ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИ БЎЙИЧА ФАОЛ ҲАМКОРЛИК ОЛИБ БОРАЁТГАН, ЭНГ ЮКСАК МАҚСАДЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ЎЗАРО ЁРДАМ СИНГАРИ ШАРҚОНА ҚАДРИЯТЛАРНИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРГАН ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ СИРАСИГА КИРАДИ.

Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 15 йиллигини нишонлаган Япония беғараз кўмак йўналишидаги барча лойиҳаларини "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурининг ижросига йўналтирмоқда.

Пойтахтдаги халқаро бизнес марказида Япония ҳукуматининг беғараз кўмак йўналишидаги 500 минг долларлик грант-шартномани имзолаш маросими ўтказилди. Грантлар Қарши туманидаги 41-мактабга, Қизириқ туманидаги 2-мактабга, Чуст туманидаги 1-мактабга, Фарғона шаҳридаги 28-мактабга берилди. Шунингдек, Қибрай ва Пскент туманидаги ишбилармон аёлларни замонавий ускуналар билан таъминлаш учун ҳам грант маблағлари ажратилди.

Япония ҳукумати бир неча йиллардан буён республикамизда таълим сифатини ошириш, тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга баҳоли-қудрат ҳисса қўшиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Япония ҳукумати ўтган 2006 йил — "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да ҳам давлат Дастурини амалга ошириш билан боғлиқ 1 миллион 132 минг долларга тенг ўн еттита лойиҳани амалга оширди.

Ҳусан СУЛАЙМОНОВ,
"Туркистон-пресс"

2007 – Ижтимоий ҳимоя йили

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ — ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА

—ТОШКЕНТ ШАҲАР НЕФРОЛОГИЯ МАРКАЗИДА ТЕЗ-ТЕЗ ДАВОЛАНИБ ТУРАМАН, — ДЕЙДИ ШОКИР ЙЎЛДОШЕВ. — БУ ЕРДА ШИФОКОРЛАР ТОМОНИДАН ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁРДАМИДА КЎРСАТИЛАДИГАН ТИББИЙ ЁРДАМДАН КЕЙИН ЎЗИМНИ АНЧА ЯХШИ ҲИС ЭТЯПМАН.

Юртимизда бундай шифохоналар фаолияти йўлга қўйилгани мен каби тиббий кўмакка муҳтож беморларни тиббий-ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашда катта аҳамиятга эга.

Мутахассислар таъкидлашича, турли бирламчи касалликлар асоратида келиб чиққан сурункали буйрак етишмовчилиги хасталиги инсон саломатлигига жиддий таъсир кўрсатади. Бундай вазиятда қолган бемор сунъий буйрак аппарати, яъни гемодиализ хизматига катта эҳтиёж сезади.

Тошкент шаҳар нефрология марказида йилига қарийб саккиз минг нафар ана шундай беморга хизмат кўрсатилади. Бунинг учун ушбу шифо масканида 75 стационар, 15 амбулатория ва 3 реанимация ўрни ташкил этилган.

— Марказимизда даволашнинг илғор усуллари ва воситалари ҳаётга кенг татбиқ этилаётир, — деди Тошкент шаҳар нефрология маркази директори, профессор Анвар Зуфаров ЎзА мухбирига. - Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг урология ва нефрология кафедралари бизнинг марказ базасида фаолият юритаётгани шифокорларимизнинг доимий малака ва маҳоратини ошириш, тиббиётнинг ушбу йўналишида жаҳонда қўлланилаётган янги технологияларни амалга жорий этишда муҳим омил бўлаётир.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни жаддалаштириш, халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини юксалтиришга қаратилаётган улкан эътибор самараси туфайли марказимизга капитал таъмирдан чиққан бино ажратилди. Дунёдаги тараққий этган илмий-амалий марказлар ва халқаро ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш учун барча шарт-шароит яратилгани эса шифо масканларимиз моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, илм-фан янгиликларини бевосита амалда қўллашга хизмат қилаётир.

Тошкент шаҳар нефрология марказида бўлиб ўтган олтита замонавий гемодиализ аппаратининг тақдимотида Президентимиз Ислом Каримов томонидан жорий йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилиниши юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий кўмакка муҳтож беморларни тиббий-ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар кўламининг янада кенгайишида муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 23 февралда қабул қилинган "Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида юртимизда улгуржи савдо корхоналари уюшмасини ташкил қилиш лозимлиги кўрсатиб ўтилган эди. Президентимизнинг ўтган йилнинг 6 мартида қабул қилинган "Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси ташкил этилди. Айни пайтда уюшма жойларда кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарорига биноан, уюшмамизга аъзо бўлган ташкилотлар, ҳудудий универсал улгуржи савдо базалари беш йилга мулк солиғидан ва уч йил муддатга ялпи даромад солиғидан озод этилди,— дейди "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси бошқарма бошлиғининг ўринбосари Муҳаммаджон Ҳакимов. — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ставкаларда 10 миллиард сўм миқдорида кредит ресурси ҳам ажратилди.

Фармон ва ижро

САВДО ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

МАМЛАКАТИМИЗДА ИЗЧИЛЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТУБ ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА.

Яратилаётган имтиёзлар натижасида уюшмамиз моддий -техника базаси ҳар томонлама мустаҳкамланмоқда. Бу эса зарур ускуна ва транспорт воситаларини сотиб олиш, халқ истеъмол товарларини харид қилиш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ харажатларни камайтириш имконини бермоқда.

Уюшмамизнинг бош мақсади мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчилар ва савдо тармоқлари ўртасидаги шартномавий алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат. Олис қишлоқлар аҳолисига кундалик зарур бўлган товарларни қулай шароит ва нисбатан арзон нархларда етказиб бериш ҳам зиммамиздаги асосий вазифалардандир.

Ўтган давр мобайнида уюшмамиз тизимидаги еттита ихтисослаштирилган республика база-конторасида ва ўттизта ҳудудий универсал улгуржи савдо базаси томонидан юртимиздаги товар ишлаб чиқарувчилар билан узвий алоқалар ўрнатилиб, шартнома асосида озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат товарларни харид қилиш ва истеъмолчиларга етказиб беришда қатор ишлар амалга оширилди. Халқ истеъмоли учун зарур бўлган маҳсулотлар тури аниқланиб, уларни кўпайтириш бўйича саноат тармоқларига тегишли таклифлар берилди. Шу асосда саноат тармоқларида истеъмол бозорини зарур товарлар билан тўлдириш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Соҳани ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Ўтказилаётган ярмарка-савдолари ҳам ана шундай саъй-ҳаракатлар самараларидандир.

Жумладан, 2006 йилнинг август ойида ихтисослаштирилган республика база-конторалари саноат корхоналари, фирмалар, ўрта ва кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган енгил саноат маҳсулотларининг кўргазма-ярмаркалари ташкил этилди.

Ноябрь-декабрь ойларида эса 2007 йилда енгил саноат маҳсулотлари, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини харид қилиш бўйича Республика улгуржи савдо ярмаркалари бўлиб ўтди. Уларда товар турлари бўйича 701,8 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан ҳамкорликда жойларда ҳам улгуржи савдо ярмаркалари ўтказилди.

Уюшма тизими тўлиқ шаклланганидан буён, яъни ўтган йил август-декабрь ойлари мобайнида истеъмолчиларга 53,2 миллиард сўмлик халқ истеъмол товарлари сотилди.

Айниқса, "Озиқ-овқат моллари" Республика база-конторасси, "Андижонгўштсавдо", "Қашқадарё озиқ-овқат моллари" очиқ акциядорлик жамиятлари, "Қўқонбаққоллик" масъулияти чекланган жамияти аҳолини арзон ва сифатли истеъмол моллари билан таъминлаш мақсадида дўконларга мунтазам равишда маҳсулотлар етказиб бераётир. Ўтган йили маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари ва тадбиркорлар билан 130,8 миллиард сўмлик 2123 шартнома имзоланди.

Бу йил ҳудудий базалар тизимида яна қўшимча 591 махсус фирма дўконлари ташкил этилади. Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ 2010 йилгача улгуржи базалар сонини 78 тага етказиш режалаштирилган. Ҳозир вилоятларда улгуржи савдо универсал базалари ташкил этиш борасидаги ишлар давом этмоқда. Айни пайтда Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида қўшимча иккита улгуржи база ташкил этилди.

Товар ишлаб чиқарувчилар ва чакана савдо корхоналари доирасини кенгайтириш мақсадида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Шу кунга қадар 53 миллиард сўмлик озиқ-овқат товарларига олди-сотди шартномалари тузилди. Бу эса уч мингдан ортиқ дўконга озиқ-овқат маҳсулотлари мунтазам равишда етказиб берилишини таъминлайди.

База-конторалар томонидан харидорлар талабини тўлароқ қондириш мақсадида мамлакатимизда етарлича ишлаб чиқарилмаётган теле-видео ва аудио аппаратуралар, уй-рўзғор буюмлари, атторлик ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини келтириш учун хорижий фирмалар билан шартномалар тузилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган ушбу хайрли ишларнинг барчаси иқтисодиётимизнинг юксалиши ва халқимиз фаровонлигининг янада ошишига хизмат қилади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА шарҳловчиси

Иқтисодиёт

МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ

ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЦЕХЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ— ЗАМОНАВИЙ, ХОРИЖИЙ ТЕХНОЛОГИК ЛИНИЯ, САМАРАЛИ УСКУНА ВА ДАСТГОҲЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ ҲИСОБЛАНАДИ.

Ички бозоримизда сифатли, бежирим, экологик тоза матолардан тайёрланган маҳсулотлар билан муносиб ўрин эгаллаган «Mushtariy» очиқ акциядорлик жамияти аъзолари ҳам республикамиз иқтисодиёти ривожига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

1976 йилдан буён фаолият юритаётган мазкур корхонада ҳозирги кунда 380 нафар тажрибали, касбига меҳр қўйган ишчи-хизматчилар меҳнат қилмоқда. Жамоа аҳли ички бозоримизга сифатли эркаклар, болалар кўйлаклари ҳамда бошқа кўплаб турдаги тикув маҳсулотларини етказиб бермоқда.

Бозор иқтисодиёти шароити талабларига кўра жамият цехларида жаҳонга машҳур «JUKI» ҳамда «BROZER» компанияларининг ушбу соҳадаги замонавий, юксак унумли технологик линия, дастгоҳ ва ускуналари ўрнатилган. Шунингдек, ишчи-хизматчиларнинг тажриба маҳоратлари, касбларига алоҳида меҳри ишда муваффақиятлар гарови бўлмоқда.

Корхона тадбиркорларининг самарали саъй-ҳаракатлари туфайли эса анъанавий тарзда анча йиллардан буён Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Мудофаа вазирликлари каби йирик идоралар қатнашадиган тендер танловларида жамоа ютиб келмоқда.

НОН — АЗИЗ НЕЪМАТ

УЧТЕПА ТУМАНИДА ҲАМ ЙИЛДАН-ЙИЛГА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР САФИ КЕНГАЙИБ, УЛАР ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН СИФАТЛИ, ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР ИЧКИ БОЗОРДА МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАМОҚДА.

2002 йилда иш бошлаган Дилшод Назаров ҳам шундай тадбиркорлардан бири бўлиб, у ҳозирда 7 нафар новвойларга бош-қош бўлган ҳолда энг азиз неъмат— нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш билан шуғулланмоқда.

Германия ҳамда Россия давлатларидан келтирилган кичик новвойхоналар мазкур жамоа аҳлининг бугунги кунда 17 турдаги сифатли, бўрсилдоқ, хуштаъм нон маҳсулотларининг харидоргирлигини таъминлашда асосий омил бўлмоқда. Айниқса, бу ерда барча маҳсулотларга маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш эътиборга лойиқ. Жумладан, майизли, ерёнғоқли, мурабболи, жемли булочкалар мижозларга манзур бўлмоқда.

Ўтган — 2006 йилдан янгиликка ўч тадбиркор ўзимизнинг ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган дастгоҳларни келтириб ўрнатди ҳамда 4 турдаги сифатли, хушхўр, чиройли қадоқланган макарон маҳсулотларини ҳам ҳамшаҳарларимизга тортиқ этмоқда. Эътиборли томони, уч нафар фуқаро янги иш жойига эга бўлишди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Маънавият

ҚЎМИТА ТАЙЁРЛАГАН НАШР

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАР ЖОЙЛАРДА ҚИЗИҚИШ ЎЙҒОТМОҚДА. ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ, УЛАРНИНГ ЖАМИЯТДА ЎЗ ЎРИНЛАРИНИ ТОПИШЛАРИГА КЎМАКЛАШИШГА ДОИР ДАВРА СУҲБАТЛАРИ, АЙНИҚСА ЖОНЛИ ЎТМОҚДА.

Соғлом турмуш тарзига бағишланган учрашувларда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим муаммолари кенг ёритилмоқда. Айниқса, ногирон болалар соғлигини таъминлашга қаратилган муолажавий тадбирларда қўмитанинг жойлардаги бўлимлари фаоллик кўрсатмоқда.

Қўмита томонидан босмага тайёрланган «Ўзбекистонда минг йиллик ривожланиш мақсадлари» деб номланган тўпламнинг чоп этилиши ҳам қувонарлидир. Яқинда чоп қилинган бу нашрда қўмита фаолиятининг қатор жиҳатларига оид материаллар ҳам ўрин олди.

ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИДА 2007 ЙИЛ РУС ТИЛИ ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ. БУ ХАЛҚАРО МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ТАДБИРИГА БАҒИШЛАБ ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАМ ҚАТОР ТАЪЛИМИЙ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА КИРИШИЛДИ.

Ҳозир мамлакатимизда рус тили ва адабиёти ўқитувчилари жамиятидан иккитаси фаолият кўрсатмоқда. «Росзарубежцентр» ташкилотининг республикамиздаги ваколатхонаси йўли билан ҳам шу йўналишда ибратли ишлар олиб борилмоқда.

Тошкентдаги рус тили ва адабиёти ўқитувчилари жамияти томонидан бу йирик санани муносиб нишонлаш режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра «Ўзбекистон олий ўқув юртларида рус тилини ўқитишнинг долзарб масалалари» деган мавзуда республика илмий-амалий конференцияси ўтказилади. Славян ёзма манбалари ва маданиятига бағишланган маърифий кунларни мамлакатимизнинг қатор вилоятларида ташкил этиш кўзда тутилди.

Академик лицей, касб-ҳунар коллежларида уюштириладиган тадбирлар бўйича методик тавсиялар ҳам тайёрланди.

ТЎГАРАКНИНГ ИЛК ТЎПЛАМИ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИДА ЧОП ЭТИЛАЁТГАН «ПЕДИАТРИЯ» КЎП НУСХАЛИ ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА ИСТЕЪДОДЛИ ТАЛАБАЛАРНИНГ НАЗМ ВА НАСРДАГИ ИЖОДИЙ МАШҚЛАРИ ҲАМ ТЕЗ-ТЕЗ ЁРИТИБ БОРИЛАДИ.

Бу ёшларнинг аксарияти олий ўқув юртида ташкил қилинган «Нишона» адабиёт тўгарагининг аъзолари ҳисобланади.

Уларнинг ижодий машқлари жамланиб, «Чорлар бизни «Нишона» деб номланган адабий тўплам босмага тайёрланди.

Институт кафедра мудири, истеъдодли шоира Кавсар Турдиева саъй-ҳаракати билан яқинда нашр этилган бу тўпламдан 20 га яқин ҳаваскор шоир ва ёзувчининг асарлари ўрин олди. Тўгарак аъзоларининг навбатдаги тўпламини тайёрлаш устида ҳам иш олиб борилмоқда.

Акбар АЛИЕВ

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

Ўша куни хизмат сафаридан қайтардим. Андижон-Тошкент поездида купедош ўрта ёшли бир киши билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдим. У ўқтин-ўқтин йўталар, бу ҳолатдан хижолат тортиб мен томон қараб қўярди. Охири бўлмади шекилли:

— Шунақа касалим бор, айбга буюрмайсизда энди, — дея узр сўрагандек бўлди.

—Шифокорларга кўринмадингизми? — сўрадим мен.

— Кўринганман, дори-дармон қилдим. Уч-тўрт кун шифо топгандек бўламан. Кейин яна қайталайди.

— Қаерда ишлайсиз?

— Чирчиқдаги корхоналарнинг бирида.

— Ўша ерда турасизми?

— Йўқ, ўзим андижонликман.

— Андижонда турсангиз, қандай қилиб у ерга бориб қолгансиз? — қизиқсиниб сўрайман мен.

— Бунинг таърифи узун биродар. Ҳалиги бир гап борку «Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим» деган. Шунга ўхшаб бировга айтишни ҳам, айтмасликни ҳам билмайман.

— Йўл узоқ, зерикиб қолмаслик учун суҳбатлашиб кетганимиз маъқул-да. Агар сир бўлмаса айтинг, дардлашсак дил ёзилади.

— Яширадиган жойи йўқ. Қолаверса бу сирни аллақачон ўзимиз ошкора қилиб бўлганмиз. Ўшанда мен Андижон билан чегарадош Ўш шаҳридаги йирик автобазалардан бирида ишлардим. Раҳбаримиз тўрт ҳайдовчини ҳузурига чақириб Андижон вилоятига қарашли Хўжаобод туманидаги хўжаликлардан бирида маданият саройи қурилаётганлигини, шу қурилишга биз Ўшдаги ғишт заводидан ғишт етказиб беришимизни, қурилиш тугагунча шу объектда ишлашимизни айтди.

Эртасидан биз тўрт ҳайдовчи ўзимизнинг «КамАЗ»ларимизда топшириқни бажаришга киришдик. Орадан уч-тўрт ой ўтиб хизмат сафаримиз тугади. Шу куни хўжалик раиси қурилиш тугаши шарафига катта зиёфат берди. Табиийки унда биз ҳам қатнашдик. Едик-ичдик, ўйнадик, кулдик. Тун алламаҳал бўлганда йўлга чиқадиган бўлдик. Раис: «Бир кеча минг кеча бўлмайди, қолаверинглар, бизнинг устига ичгансизлар, ширакайф ҳолда ярим тунда машинани қандай ҳайдаб кетасизлар», деб бизни қолишга ундади. Биз кўнмадик. Эрталабгача бўлсада машинани автобазага олиб бормасак бўлмаслигини айтдик.

У аранг кўнди. Тўрт ҳайдовчи олдинма-кейин йўлга чиқдик. Агар билсангиз Андижон — Ўш йўли анча-мунча тепалик ва пастликлардан иборат. Ўш вилояти ҳудудига ўтганимиздан кейин фожеа рўй берди. Биз бошқариб бораётган биринчи машина паст-баландликлардан ўтаётиб тун қоронғусида кўрмай мотоцикл миниб бораётган икки кишини уриб, босиб ўтади. У билан изма-из бориб биз ҳам кўриб-кўрмай жабрдийдаларни кетма-кет босиб ўтаверибмиз. Қилмишимизни кейин англасакда, энди бўлар иш бўлди, деб индамай кетавердик. Манзилга етгач, машиналаримизни яхшилаб ювиб-тараб, гаражга киритиб қўйдик. Бўлган иш ҳақида ҳеч кимга оғиз очмасликка келишиб, уйимизга тарқалдик.

Бу орада текшир-текшир бошланди. Қулоғимиз динг. Хайрият, бу шов-шувлар шамоли бизни четлаб ўтди. Орадан ойлар ўтиб излар босилгач, кўнглимиз жойига тушди. Шунда ҳамроҳларимиздан бири «бу фожеадан омон-эсон қутулганимиз шарафига бир зиёфат уюштирмасак бўлмайди», деди. Шундай қилдик. Ойлик маош олган кунимиз тўртовлон ишдан кейин биргалашиб ресторанга кирдик. «От - от» бошланди. Анча қизишиб қолибмиз шекилли суҳбатимиз мавзуси ўша фожеа томон бурилиб кетибди.

Тасодифни қарангки, шу жиноий иш юзасидан қидирув олиб бораётганлардан бири уч-тўртта улфатлари билан ёнгинамиздаги столда овқатланиб ўтирган экан. У тилимиздан илинганимизни билиб барча ишлардан хабардор бўлгач ўрнидан туриб бизга яқинлашади.

— Йигитлар, кечирасизлар, ўринларингиздан туриб мен билан юринглар, —деса дастлаб ҳайрон бўлиб қолдик.

— Нима гап, тинчликми? — десак, у:

— Ўша ерда гаплашамиз, — деди. Қарҳон, «Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади» деб бежиз айтишмаган экан.

Биз ҳам қинғир иш қилиб ўзини доно билиб юрган баъзи кимсаларга бу воқеа ибрат бўлар деган мақсадда уни тўлалигича қоғозга туширдик. Ҳар қалай шундайлар қинғир иш йиллар ўтса-да, ахир бир кун ошкор бўлишини унутмаганлари яхши.

ХЎРАНДА ҲАМ МЕҲМОН

Сиз бирор чойхона ёки ошхонада чой ичиб, таом тановул қилиб бўлишингиз билан шу жойдаги хизматчилардан бири «Илтимос, жойни бўшатинг» деб сизни тезроқ туришга ундаса қандай ҳолатга тушасиз? Ҳар қалай нохуш вазият дилингизни оғритиб, ранжитади.

Эски Жўва бозори ҳамиша гавжум. Бозор атрофида турна қатор тизилган таомхона ва чойхоналарда эрталабдан кечгача одам аримайди. Биз ҳам ўтган сешанба куни шу бозорда бўлиб унча-мунча харид қилдик. Чарчаб ошхоналардан бирига кириб бироз ҳордиқ чиқармоқчи бўлдик. Бўш ўринлардан бирига ўтиришимиз билан хизматчилардан бири олдимизга югуриб келди.

— Нима буюртма берасизлар? — дея таомлар рўйхатини санаб кетди. Чой ва нон буюрдик. Табиийки, арзон-гаров буюртмамиздан хизматчининг кўнгли тўлмади. Бу орада у яна икки-уч бор олдимизга келиб, қандай таом келтиришини сўради. Биз рад этдик. Ҳали чойимиз тугар-тугамас у яна олдимизга келиб: «Илтимос, тезроқ жойни бўшатсанглар, бошқа хўрандалар кутиб қолишди. Столимиз кам, бўш жойимиз йўқ» деб бизни туришга ундади.

Бу гапдан ҳайрон бўлиб қолдик. Дилимиз оғрисада талашиб-тортишиб баттар кайфиятимизни бузгимиз келмади. Индамай ўрнимиздан туриб жойимизни бўшатдик.

Кексалар «Меҳмон отангдан улуғ» дейишади. Чойхона ёки ошхонага кирган бегона киши ҳам аслида хўранда эмас, меҳмон саналади. Шундай экан, ушбу ошхона хизматчилари фақат мўмай даромадни эмас, одамийлик ёки меҳмоннавозлик қоидаларини ҳам эсдан чиқармасалар ёмон бўлмасди.

ҲУНАРЛИ ХОР БЎЛМАС

Яхши хислат олий мансаб ва юксак даражага етказади. Аммо бу даражага етишиш воситаси илм ва ҳунардандир. Ҳунарманд киши ҳеч қачон хор бўлмайди. Оғир кунларда ҳам ўз ҳунари туфайли ризқи-рўзини топиб ейди. Бунга мисол сифатида қуйидаги ҳикматни келтирсак ўринли бўлади.

Ҳар кимнинг зари бўлмаса-да аммо ҳунари бўлса, дунёда ҳеч бир хавф-хатари бўлмайди. Шунинг учун киши ҳунар ва илм зийнати билан безанмоғи керак. Ҳунарсиз ва илмсиз киши қуруқ савлатдир. Қуруқ савлат қотиб қолган суратга ўхшайди. Сен суратга боқ, у одамга ўхшаса-да, жони бўлмайди. Дарахт шохи мевасиз бўлса, кийикнинг шохларидан нима фарқи бор. Қалам гарчи чўп бўлса-да, илму ҳунарни ошкор қилгани учун азиздир. Илмсиз ва ҳунарсиз киши ўз диёрида ҳам, яқинлари олдида ҳам беэътибор бўлади. Ҳунарли ва илмли кишилар эса ҳамма жойда иззат ва ҳурмат топадилар.

Ўйлаймизки, бу ҳикматни шарҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Қиссадан ҳисса чиқариш ҳар кимнинг ўз ҳукмига ҳавола.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Десангки, васл топай, хажр ўтиға ёқилакўр.

* * *

Дахр боғи ичра барбод ўлмаған гул чиқмади,
Йўқ ажаб, гар елдин осибе гулистонимдадур.

Дунё боғида бир куни қуриб-қақшамайдиган гул йўқ. Шундай экан, гулистонимни шамоллар сочиб-совурса, ҳайрон бўлмайман.

Десанг, замона ситезини ҳар замон кўрмай,
Замонни хуш туту қилма замона бирла ситез.

Замондан ҳар замон душманлик кўрмай десанг, замонни алқаб яша, у билан сира адоватга киришма.

Дахр боғи аро кўп истамагил айшу тараб —
Ким, гули шуълаи ғам, ғунчасидир хори тааб.

Бу дунё боғидан кўпам айшу қувонч истама, унинг гули—ғам шуласию ғунчаси қайғу тиканидир.

Дахр бўстони аро саркаш ниҳоле кўрмадук,
Соя янглиғ бўлмаған ер бирла яксон оқибат.

Бу дунё бўстонида охир - оқибат соя каби ер билан баробар бўлмаган итоатсиз ниҳолни ҳеч ким кўрган эмас.

Дахрдин меҳру вафо қилма ҳавас,
Элидин ғайри жафо қилма ҳавас.

Бу дунёдан меҳру вафо умид қилма, одамлардан жафодан бошқасини кутма.

Дўзахни агар ишқ ўти бирла қизитурлар,
Дард аҳлиға учмоқдин эрур, бас, тамуғ авло.

Агар дўзахни ишқ ўти билан қиздирсалар, ошиқлар учун жаннатдан кўра дўзах афзал бўлади.

Демон даврон аро йўқтур вафо айлаб, вафо кўрган—
Ки, йўқтур минг жафо тортиб қутулған, бир вафо айлаб.

Дунёда вафо қилиб, эвазига вафо кўрган киши йўқ, Дейишнинг ўзи кам, чунки бир вафо айлаб, кейин минг жафо тортиб ҳам қутулган киши йўқ.

Даврон элига кимки вафо нўши арз этиб,
Ул ҳам муқобилида жафо ниши еткуруб.

Бу дунёда кимки бошқаларга вафо майини узатган бўлса, эвазига жафо тиғига дучор бўлган.

Даво чу мумкин эмас ишқ дардиға, ваҳким,
Илож топмади бу дарди бедаво ҳаргиз.

* * *

Дахр золиға кўнгул бермаки, Рустамларни
Макр ила айлади ожиз бу ситамкора ажуз.

Дунё деган жодугарга ишонмаки, у макру ҳийла билан не-не Рустамларни ҳам мағлуб қилган.

Даврон гулию гулшани хориға арзимас.

* * *

Дахр бўстониға мағрур ўлма кўп, эй боғбон,
Охир эткунг, чун гулу сарви равон бирлан видоъ.

Эй боғбон, дунё бўстонига кўпам ишонма, чунки охир-оқибат бу гуллару сарви равонлар билан видолашишга тўғри келади.

Дардим оғиррок тоғдин, хошокдин жисмим енгил.

* * *

...дардқадур чора сабр.

* * *

Демаким: бўлдунг қари-ю, ўтти даври ишққим,
То тириктурмен менга ишқу муҳаббат чоғидур.

* * *

Дахр аро андоқ маош этгилки, сендин қолмаса
Тоат андоққим, керактур бори исён қолмасун.

Дунёда шундай яшаки, тоатинг билан бошқаларга ибрат бўлолмасанг, исёнинг билан одамлар лаънатига ҳам қолма.

Дунёву уқбо иккиси жамъ ўлмас, эй рафиқ,
Кимки икки кема учини тутса, бўлур ғариқ.

Эй дўст, ҳар дунё, ҳам охират севгиси бир кўнгилга сиғмайди: икки кеманинг учини тутган ғарқ бўлади.

Дард аҳлининг нафаси бир ўтдурким, қаттиқ кўнгулни юмшатур ва қуруғ кўзни йиғлатур.

* * *

Дунё дор ул-ҳаводисдур ва анга кўнгул боғламоққа ғафлат боисдур.

Дунё турфа ҳодисалар маконидир ва фақат ғофил кишигина унга кўнгил боғлаши мумкин.

Дардлиғ кўнгул—шуълалиғ чароғ, ёшлиғ кўз —сувлуқ булоғ.

* * *

Душман мақолоти—банг хаёлоти.

Душманнинг сўзлари наша кайфининг хаёлингни ўғирлашига ўхшайди.

Доно душмандин нафъ имкони бор ва нодон дўстдин зарар имкони.

* * *

Дунёву ҳар не андадур мавжуд
Бўлди Ҳақ лаънати гирифтори.
Ғайри Ҳақ зикриким, эрур зокир
Тенгрининг раҳмати сазовари.

Дунё ва унда мавжуд барча нарсалар Оллоҳ лаънатига учраган. Оллоҳ зикридан бўлак барча ишлар беҳуда. Шунинг учун ҳам зикр айтувчи Оллоҳ марҳаматига муяссар бўлади.

Дўстлашинглар ҳадиялар беришиб,
Баҳра топқон хирад атиясидин.
Худ жаҳонда атияе борму,
Яхшироқ дўстлиқ ҳадиясидин.

Бир-бирингизга ҳадялар бериб дўстлашинглар, оқиллар ҳадясидан кўнгил баҳра топади. Жаҳонда дўстлар туҳфасидан яхшироқ туҳфа борми ўзи?!

Дахр элики, келди аҳли номус бори,
Қардошлар эрур макр ила маҳбус бори,
Олдингда неча қилса замин бўс бори,
Лекин бордур айбингга жосус бори.

Дунё аҳли барчаси номусли кишилар, лекин қариндошларнинг барчаси макру ҳийла домига асир: олдингда ҳар қанча ер ўпиб, таъзим қилса ҳам, қанча ер ўпиб, таъзим қилса ҳам, ҳаммаси айбингни топишга уста.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Сергели туман ҳокими Мутолиб Убайдуллаевич Абдуллаевга волидаи муҳтарамаси

ОРЗИхон аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади

Республика Турк миллий маданий маркази бошқаруви жамоаси марказнинг фаол аъзоси

Муҳаммад Мажидович ҲАМИДОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради

Тадбирлар

ИККИ СИЙМО — ИККИ ДУНЁ

ФЕВРАЛЬ ОЙИДА ИККИ БУЮК ЗОТ — ҲАЗРАТ МИР АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУДИ МАМЛАКАТИМИЗ МИҚЁСИДА КЕНГ НИШОНЛАНАДИ. УЛАР ЯШАБ ЎТГАН ДАВР БИЛАН БИЗНИНГ ЗАМОНАМИЗ ОРАСИДА БЕШ-ОЛТИ АСРЛИК МАСОФА БЎЛИШИГА ҚАРАМАСДАН ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ҲАР ИККИ ДАҲО ФАРЗАНДИ ҲАМОН МИЛЛАТИМИЗ ШОН-ШАРАФИ, МАЪНАВИЯТИМИЗ ВА МАЪРИФАТИМИЗНИНГ САРБАЛАНД УСТУНИ ҲИСОБЛАНАДИ.

Хайрли анъанага мувофиқ бу йил ҳам бу икки буюк зотнинг таваллуд кунлари шаҳримизнинг барча гўшаларида тантанали равишда кенг нишонланмоқда.

Жумладан, 123-мактабда ҳам «Икки сиймо —икки дунё» мавзусидаги адабий-бадиий кеча Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланди. Кечани мактабнинг юқори синф ўқувчилари Бобурнинг ғазаллари билан очиб беришди.

Ким кўрибтур, эй кўнгул аҳли жаҳондин яхшилиғ,
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма андин яхшилиғ.

ёки:

Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдиму,
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму.

каби мумтоз ғазалларининг ўқувчилар ижросида янграши тадбирнинг янада сермазмун ва қизиқарли ўтишини таъминлади.

Шунингдек, ўқувчилар «Бобур ва Ҳумоюн» монологини ҳам маромига етказиб ўқидилар. «Бобурнома» асаридан ижро этилган саҳна кўринишлари янада жонли ва таъсирчан чиқди.

7-синф ўқувчилари эса, Алишер Навоийнинг «Ҳамса» асарига киритилган «Фарҳод ва Ширин», «Садди Искандарий» достонларидан парчалар ўқиб ўзларининг истеъдодларини яна бир бор намойиш этдилар.

Адабий-бадиий кеча барча иштирокчиларнинг кўнглида яхши таассурот қолдирди. Мактаб нурли остона. У ўқувчиларнинг ҳар томонлама доно, зукко, илмли ва маърифатли бўлиб вояга етишларида муҳим аҳамият касб этади. Биз ўқитувчилар эса, уларга ҳар томонлама ёрдам бериб керагида рағбатлантириб боришимиз шарт.



Зеро, тарбия уч нарсага эҳтиёж сезади: истеъдодга, илмга ва машаққатга, деган эди буюк файласуф Арасту.

Саида АРИПОВА,
123-мактаб директори

СУРАТДА: «Икки сиймо—икки дунё» деб номланган тадбирдан лавҳа

Кўргазма

МЎЙҚАЛАМ ВА ЮРТ ЖАМОЛИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ КЎРГАЗМАСИ ЗАЛИДА БОТИР ЗОКИРЖОНОВ АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ. У ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Кўргазманинг очилишида таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда санъатнинг турли йўналишларида самарали фаолият кўрсатаётган ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга, юртимизнинг чекка ҳудудларида ижод қилаётган истеъдод соҳибларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ботир Зокиржонов рангтасвир йўналишида ижод қилади. Жаннатмонанд она Ватанимизнинг гўзал ва бетакрор табиати манзаралари, миллий қадриятларимиз, боқий анъаналаримизни ўзига хос тарзда акс эттириш рассом ижодининг бош мавзуидир. Унинг "Сангзор", "Гарашада куз", "Зомин", "Ўрикли сой", "Бахмал" каби картиналари бунга мисол бўла олади.

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтида тасвирий санъатдан сабоқ бераётган Б.Зокиржонов "Шу азиз Ватан — барчамизники!", "XXI аср мусаввири", "Юртим - ифтихорим" каби республика миқёсидаги кўрик-танловларда совринли ўринларни эгаллаган. Асарлари Австралия, Германия, Швейцария, Франция, Япония, Россия, Туркия каби давлатлардаги шахсий тўпламларда сақланаётир.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Мунажжим башорати

ЖИДДИЙ ТАДБИРЛАРДА ОМАДИНГИЗ КЕЛАДИ
13 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

Қуёшнинг бугунги ҳолати тўсиқлар бартараф бўлиб, инсонлар омади юришиши билан боғлиқ, дея гувоҳлик беришади мунажжимлар. "Шояд" деб иш кўрадиган кишилар учун бугун яхши натижаларга эришиш имкони бўлади.

Қуёш тақвимининг 30-куни, шунингдек, аввал бошлаб қўйилган ишларни якунлашда ҳамда энг муҳим ва жиддий тадбирларни ўтказишда омад ёр бўлишини билдиради.

Ой сайёрасининг ҳолати эса бугун кўпроқ сукут сақлашни тақозо этади. Зеро, бекорчи гаплар ва сафсатабозликка кўп куч ва вақт кетиб қолади. Яхшиси, зерикарли бўлса ҳам одатий эски ишлар билан банд бўлиб, зинҳор ютуқларингиз билан мақтанманг ва уларни муболаға қилманг. Қимматбаҳо харидларни тўхтатиб турганингиз маъқул. Чунки, пулни беҳуда сарфлашингиз эҳтимоли кўпроқ.

Соат 10.46 дан то соат 13.43 гача Ойнинг йўналишсиз ҳолатда бўлиши билан боғлиқ равишда одамлар диққатни жамлашга қийналишади, бажарилаётган ишлар яхши юришмай қолади. Бу Ойнинг самодаги ҳолати билан боғлиқ бўлса-да, кўпчиликка мазкур омадсизлик рақибларнинг уларга қилаётган ёмон амаллари натижасидай туюлади.

БУГУН:

— эртасига қолдириб бўлмайдиган ишлар билан шуғулланиш;
— кун тартиби ва парҳезга риоя қилиш;
— куч ва маблағларингизни тежаб-тергаб сарфлаш;
— фақат яхши таниш ва ишончингизни қозонган кишилар билан мулоқотда бўлиш тавсия этилади

Янги ишларни бошлаш, ўзингиз учун қийин бўлган ваъдаларни бериш, туйғуларга ишониб иш кўриш хатарли эканидан огоҳлантирамиз.

Бугун агар тепасидан поезд ўтадиган кўприк тагидан юрадиган бўлсангиз, бирон яхши ният қилинг – у албатта амалга ошади.

Кийимлардан қора ранглиларидан ташқари ҳар қандай туслилари ҳам бўлаверади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Тошкент оқшоми» газетасининг 2007 йил 6 февраль кунидаги 25-сонида чоп этилган эълон қуйидагича ўқилсин:

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!
Республика Кўчмас мулк биржаси
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2007 йил 13 март куни соат 11-00да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-а уй манзилида жойлашган Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ)нинг савдолар залида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига банкрот деб топилган тугатилаётган «BAXT BILOL» ХК ва «МЕДИТЕКС» МЧЖнинг тугатиш бошқарувчиси томонидан қуйидаги объектлар қўйилмоқда:

1. Олий Хўжалик судининг 2006 йил 5 декабрдаги №10-0510(20)977-сонли қарорига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, 26-даҳаси манзилида жойлашган «BAXT BILOL» хусусий корхонасининг ягона ишлаб чиқариш мажмуаси.

Бошланғич баҳоси – 889 065 643 сўм.

2. Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2006 йил 28 апрелдаги №10-0617/4020-сонли ҳал қилувчи қарорига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Учтепа тумани, Дилкаш кўчаси 2-уй манзилида жойлашган «МЕДИТЕКС» масъулияти чекланган жамиятининг ягона ишлаб чиқариш мажмуаси.

Бошланғич баҳоси – 911 507 545 сўм 44 тийин.

2007 йил 13 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган мулклар 2007 йилнинг 15, 20, 22, 27, 29 март ва 3, 5, 10, 12 апрель кунлари ўтказиладиган аукцион савдосига қўйилишини маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар (юридик ва жисмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини РКМБнинг қуйидаги; АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ҳ/р: 20210000500571452057, МФО: 00425, ИНН 200933850 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт.

Телефонлар: 399-79-52, 144-44-72.
Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz
Лицензия: DB 001 №000004

«Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 15 март куни соат 11:00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган

қуйидаги мулкларни қўймоқда

03.05.2006 йилдаги 418/2 сонли ижро ҳужжатига асосан, ППЦТ-38 русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерналар (ҳажми-38м³, шасси №439САТ11050005159, 2005й.). Бошланғич баҳоси-80 000 000 сўм

03.05.2006 йилдаги 418/2 сонли ижро ҳужжатига асосан, ППЦТ-38 русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерналар (ҳажми-38м³, шасси №439САТ11050005197, 2005й.). Бошланғич баҳоси-80 000 000 сўм

03.05.2006 йилдаги 418/2 сонли ижро ҳужжатига асосан, ППЦТ-38 русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерналар (ҳажми-38м³, шасси №439САТ11050005176, 2005й.). Бошланғич баҳоси-80 000 000 сўм

03.05.2006 йилдаги 418/2 сонли ижро ҳужжатига асосан, ППЦТ-38 русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерналар (ҳажми-38м³, шасси №439САТ11050005150, 2005й.). Бошланғич баҳоси-80 000 000 сўм

03.05.2006 йилдаги 418/2 сонли ижро ҳужжатига асосан, ППЦТ-38 русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерналар (ҳажми-38м³, шасси №439САТ11050005200, 2005й.). Бошланғич баҳоси-80 000 000 сўм

03.05.2006 йилдаги 418/2 сонли ижро ҳужжатига асосан, ППЦТ-38 русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерналар (ҳажми-38м³, шасси №439САТ11050005202, 2005й.). Бошланғич баҳоси-80 000 000 сўм

03.05.2006 йилдаги 418/2 сонли ижро ҳужжатига асосан, ППЦТ-38 русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерналар (ҳажми-38м³, шасси №439САТ11050005168, 2005й.). Бошланғич баҳоси-80 000 000 сўм

19.06.2006 йилдаги ижро ҳужжатига асосан «Тошкентлифт» трестига қарашли Тошкент шаҳар Яккасарой тумани, Миробод (Кунаева) кўчаси, 12-уй,53-хонада жойлашган лифтни таъмирлаш учун бириктирилган нозимхона, (инв.№71) Бошланғич баҳоси-4 676 464 сўм 99 тийин

03.05.2006 йилдаги 418/2 сонли ижро ҳужжатига асосан, ППЦТ-38 русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерналар (ҳажми-38м³, шасси №439САТ11050005203, 2005й.). Бошланғич баҳоси-80 000 000 сўм

19.06.2006 йилдаги ижро ҳужжатига асосан «Тошкентлифт» трестига қарашли Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, Марказ-15, 2А-уй, 23-хонада жойлашган лифтни таъмирлаш учун бириктирилган нозимхона, (инв.№4) Бошланғич баҳоси-4 586 226 сўм 08 тийин

03.05.2006 йилдаги 418/2 сонли ижро ҳужжатига асосан, ППЦТ-38 русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерналар (ҳажми-38м³, шасси №439САТ11050005175, 2005й.). Бошланғич баҳоси-80 000 000 сўм

19.06.2006 йилдаги ижро ҳужжатига асосан «Тошкентлифт» трестига қарашли Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Марказ-4, А.Қодирий кўчаси, 24-уй, 4-хонада жойлашган лифтни таъмирлаш учун бириктирилган нозимхона, (инв.№3055) Бошланғич баҳоси-7 865 202 сўм 93 тийин

03.05.2006 йилдаги 418/2 сонли ижро ҳужжатига асосан, ППЦТ-38 русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерналар (ҳажми-38м³, шасси №439САТ11050005164, 2005й.). Бошланғич баҳоси-80 000 000 сўм

19.06.2006 йилдаги ижро ҳужжатига асосан «Тошкентлифт» трестига қарашли Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, Қорасарой кўчаси, 1-уй,72-хонада жойлашган лифтни таъмирлаш учун бириктирилган нозимхона, (инв.№60) Бошланғич баҳоси-9 044 457 сўм 60 тийин

19.06.2006 йилдаги ижро ҳужжатига асосан «Тошкентлифт» трестига қарашли Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, Қора Қамиш 2/1, Сағбон кўчаси, 44-уй, 25-хонада жойлашган лифтни таъмирлаш учун бириктирилган нозимхона, (инв.№96) Бошланғич баҳоси-3 045 301 сўм 19 тийин

«Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 6,15 март куни соат 11:00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Юнусобод, Шайхонтоҳур, Учтепа, Сергели тумани суд ижрочилари бўлинмаси ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган

қуйидаги мулкларни қўймоқда

2005 йил 9 августдаги 18404-сонли ва 2006 йил 10 июлдаги 11718-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Хизмати комендатурасида сақланаётган, давлат рақами 10К18-96 бўлган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес бенц-S600» русумли автотранспорт воситаси (двигатель №13797040017090, кузов №WDB2201781A288088). Бошланғич баҳоси-100 000 000 сўм.

2006 йил 10 июлдаги 11714-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Хизмати комендатурасида сақланаётган, давлат рақами X283FUM бўлган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган «УАЗ-452» русумли автотранспорт воситаси (двигатель №00707660, кузов №240977). Бошланғич баҳоси-1 200 000 сўм.

2006 йил 11 майдаги 8164-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Хизмати комендатурасида сақланаётган, давлат рақами X391NOM бўлган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган «AUDI-100» русумли автотранспорт воситаси (двигатель №WC184700, кузов №WAUZZZ442A050511). Бошланғич баҳоси-5 000 000 сўм.

2006 йил 11 апрелдаги 6851-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 13-квартал, 4-уй, 67-хонадон манзилида жойлашган турар жой (икки хонали, иккинчи қават). Бошланғич баҳоси-17 268 300 сўм.

2006 йил 11 апрелдаги 6850-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, 13-квартал, 14-уй, 39-хонадон манзилида жойлашган турар жой (уч хонали, биринчи қават). Бошланғич баҳоси-22 940 700 сўм.

2006 йил 16 августдаги 11564/6-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Лутфий кўчаси 2-уй, 1 қаватидаги 168 кв.м.дан ташкил топган бино қисми. Бошланғич баҳоси-126 894 000 сўм.

2006 йил 27 январдаги 1958/13-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Учтепа тумани суд ижрочилари бўлинмасида сақланаётган, давлат рақами 30J82-73 бўлган, 1972 йилда ишлаб чиқарилган «Москвич-412» русумли автотранспорт воситаси (двигатель №408 БН, кузов №300591). Бошланғич баҳоси-192 291 сўм.

2006 йил 24 августдаги 14340-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Қорақамиш кўчасидаги, яшаш учун мўлжалланган 11-уй (1 қаватли, ертўла, 4 хонали, 6 сотих). Бошланғич баҳоси-45 258 500 сўм.

15.09.2006 йилдаги 18260/6-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Сергели тумани массив Спутник-7/9 манзилдаги Жиноий ишлар бўйича суди ҳудудида сақланаётган дав.рақ.М93-21ТШ бўлган «ЗАЗ-968М» русумли автотранспорт воситаси (1989й). Бошланғич баҳоси-100 000 сўм.

10.10.2006 йилдаги 19318-19/4-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент вилояти Зангиота тумани 8-сонли жарима майдончасида сақланаётган дав.-рақ.30К27-52 бўлган, «ГАЗ-2411» русумли автотранспорт воситаси (1987й). Бошланғич баҳоси-1 942 091 сўм.

2006 йил 11 майдаги 8175-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, «Себзор» автомобиллар сақлаш майдончасида сақланаётган, давлат рақами 10V2288 бўлган, «МЕРСЕДЕС-БЕНЦ S320» русумли автотранспорт воситаси (2001й. техник соз, двигатель №408604, кузов №WDB2200651A025886, қора рангли). Бошланғич баҳоси-81 540 000 сўм.

2006 йил 14 августдаги 10-0618/2018-сонли ижро ҳужжатларига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳар Миробод тумани, Мовороуннаҳр кўчаси, 53-уйда жойлашган «УЧКУН» МЧЖга тегишли 4 қаватли, умумий майдони 14789,0 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш биноси. Бошланғич баҳоси-2 672 075 000 сўм.

Қизиқиш билдирган харидорлар ушбу мулкларни суд ижрочилари бўлинмаси вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб кўришлари мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини «Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альянс» минибанкдаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч, 1-уй, тел. 138-69-94, 138-69-93.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 107

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4398 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6